

**“Özbek Edebiyati’nin Seçme Eserleri. Said Ahmed. Hikâyeler” (“Ўзбек адабиётининг сара асарлари. Саид Аҳмад. Ҳикоялар”) номли бадиий таржима тўпламига
ТАҚРИЗ**

Ўзбек адабиёти намуналарининг дунёга танитилиши, дунё мамлакатлари орасида обрўси кундан-кун ошиб бораётган мамлакатимиз, халқимизнинг ҳаёт тарзи, урф-одатларини адабиёт, хусусан, бадиий таржима воситасида дунёга ёйилиши ижод аҳлининг муқаддас вазифасидир. Буни яхши англаган мутахассис-ўқитувчиларимиз Ўзбекистонимизнинг мустақиллик йилларида маданий ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби бадиий таржима соҳасида орттирилаётган тажрибамизни яққол намойиш этишмоқда.

Турк китобхонларининг ўзбек ҳикоялари билан таништириш, шунингдек, мамлакатимизда турк тили ҳамда бадиий таржима сирларини ўрганаётган талабалар учун мўлжаллаб тайёрланган мазкур тўпламдан жой олган ҳикоялар Тошкент давлат шарқшунослик университетида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни юзага чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Ушбу китобдан атоқли ўзбек адиби, Ўзбекистон қаҳрамони, буюк сўз устаси Саид Аҳмаднинг ўзбек халқига таниш ва машҳур бўлган ҳажвий ҳикояларининг турк тилига таржималари ўрин олган.

Саид Аҳмаднинг қуйидаги сўзлари ҳаммамизга яхши таниш: “Ёзувчининг ёзгани ўзига ўхшайди деган гап бор. Ғафур аканинг ёзганлари худди ўзи эди. Бу мумтоз санъаткорнинг ҳикоялари орасидан шундоққина ўзи кўриниб турарди”. Таниқли ёзувчи Ғ. Ғуломга берилган ушбу таърифни устоз Саид Аҳмаднинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкиндай, назаримда. Устоз ҳикояларининг бирида кучли ҳажвни, бошқаларида жиддий ҳаётий мушоҳадани ҳис қилиш мумкин. Чунки С. Аҳмад кўп қиррали ижодкор эди.

Атоқли адибнинг 100 йиллик юбилеи муносабати билан Тошкент давлат шарқшунослик университети “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси мудири Хайрулла Ҳамидов ва унинг шогирдлари томонидан турк тилига ўгирилиб нашр этилган ҳикоялар тўпламида унинг “Елим”, “Сағана”, “Бир ўпичнинг баҳоси”, “Хомталаш”, “Ханка билан Танка”, “Бир юз етмиш сўмлик хуррак”, “Менинг дўстим Баббаев!”, “Иқрор”, “Хотинбоз чумчуқ” сингари ҳажвий ҳикоялари билан бир қаторда “Ўн саккиз ёшинг”, “Суд”, “Қоракўз Мажнун” каби жиддий ҳикояларининг таржимаси ҳам берилибди. Ўйлайманки, ўзбек адабиёти намуналарининг шарқ тилларига ўгирилиши ишлари бундан да ривожланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бир бадиий асарни она тилига таржима қилиш осон эмас, ўз она тилидан хорижий тилга ўгириш эса ундан ўн карра мураккаб иш. Шунинг учун ҳам мазкур тўпламнинг юзага келиши учун меҳнат қилган таржимоннинг заҳмати рағбатга лойиқ.

Адхамбек Алимбеков
Тошкент давлат шарқшунослик
университети доценти,
филология фанлари номзоди